

КУТУБХОНА ЖОНКУЯРИ

Умиржонова Маликахон Комилжоновна

Фарғона тумани Ахборот-кутубхона маркази директори

Алобидинова Дилуфар Бўтабоевна

Фарғона тумани Ахборот-кутубхона маркази библиографи

Аннотация. *Maqolada kутубхона жонкуяри хақида маълумотлар берилган.*

Калит сўзлар: *кутубхона жонкуяри,*

Ҳозирги замонавий даврда ҳар бир ҳодим иш жараёнида ситқи дилдан ишласа албатта кўп ютуқларга эришади. Албатта, бу иш жараёнларни кутубхона мисолида кўриб чиқамиз. Ҳозирда барча шаҳар, туманларда, таълим муассасаларда кутубхоналар мавжуд. Кутубхона ишини ривожлантиришда албатта ходим кутубхона жонкуяри бўлиши лозим.

Кутубхона жонкуяри - бу кутубхоналарда ўқувчилар ёки фойдаланувчилар томонидан китоблар, маълумотлар ва бошқа ресурслардан фойдаланиш учун яратилган муҳитдир. Кутубхоналар илмий, маданий ва ижтимоий фаолиятларни қўллаб-қувватлашда муҳим рол йнайди.

Кутубхона жонкуяри — бу кутубхонада китоблар, журналлар ва бошқа ахборот манбаларини сақлаш, уларни бошқариш ва фойдаланиш учун хизмат қилувчи жонлантирилган система. Кутубхоналар жамиятда муҳим рол ўйнайди, чунки улар билимни тарқатиш, таълимни қўллаб-қувватлаш ва ўқиш маданиятини ривожлантиришда ёрдам беради.

Кутубхонанинг асосий вазифалари:

1. Китобларни йиғиш: Китобларни, журналларни, газеталарни ва бошқа ахборот ресурсларини йиғиш.

2. Фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш: Фойдаланувчиларга кутубхона ресурслари билан фойдаланишда ёрдам бериш.

3. Ахборот манбалари билан таъминлаш: Фойдаланувчиларга зарур маълумотларни топишда ёрдам бериш.

4. Тадқиқотларга кўмаклашиш: Олий ўқув юртлари ва тадқиқот ташкилотлари учун зарур маълумотларни тақдим этиш.

5. Маданиятни ривожлантириш: Кутубхоналар маданий тадбирлар, китоб тақдимотлари ва ўқув дастурлари ташкил қилиш орқали жамиятнинг маданиятини ривожлантиради.

Аёл бир қўлида бешикни бир қўлида дунёни тебратади, дейишларида улуғ ҳикмат бор. Зеро, аёл бор ҳаёт бардавон, дунё безавол, аёл бор оилада демакки жамиятда файзу-барокат, яратиш гўзаллик, нафосат бор.

Инсонни ким бўлиб улғайишида у дунёга келган, тарбияланган муҳит муҳим роль ўйнайди.

Матлубахон ўзбекона одоб ҳукм сурган оилада таваллуд топди.

Ота-она ҳурмати, фарзандлар иззати ўрнига қўйилган хонадонда ака-сингиллар ҳам бир-бирларини “сиз”лаб муомалаа қилишади.” Менинг жамиятда ўз ўрнимни топишимда, ҳаёт йўлимда, фарзандлар тарбиялашда ота-онамнинг менга берган ўғитлари, ҳиссалари беқиёс” дейди Матлубахон.

Бу жонкуяр кутубхоначи билан бир бор суҳбатлашган инсон унинг самимийлиги, дилкашлиги, тўғри сўзлиги, қатъиятлилигини кўриш мумкин.

Қурбонова Матлубахон Ямбарақ қишлоғида зиёли оиласида таваллуд топди. Отаси Давронбек Қўлдашев, онаси Қўлдашева Мўнисхонлар 7 нафар фарзандни тарбиялаб, илмли ақл заковатли қилиб вояга етказишди.

Матлубахон фаолиятини саодат маскани бўлмиш кутубхона билан боғлади. Наманган маданият техникумининг “Кутубхонашунослик” факультетини тамомлаб, 30 йиллик иш даври давомида туман марказий кутубхонасида услубчи, Иқтисодиёт коллежида Ахборот ресурс марказида раҳбар лавозимларида фаолият юритди. Ҳозирги кунда Ахборот кутубхона марказида китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлимида бўлим бошлиғи лавозимида фаолият юритиб келмоқда. Келажагимиз бўлган ёшлар, уларнинг бугунги кундаги ўқиши, таълим олиши маънавий камол топишлари, давлатимиз раҳбарининг уларга билдирган юксак ишончини оқлашга қаратиш билан уйғунлашиб бормоқда. Дарҳақиқат, китоб ўқимай туриб комилликка эришиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг китобхонликни ривожлантириш борасида қабул қилаётган қонун, қарор ва фармонлари бежиз эмас. Бу қарорлар, фармойишлар ижросини таъминлаш, янги Ўзбекистоннинг ёшларини дунёқарашини кенгайтириш, китобга ошно қилиш, уларнинг юртпарвар, ҳалқсевар, Ватанга содиқлик руҳида тарбиялаш, китобхонлар эҳтиёжини тўла қондириш учун сифатли хизмат кўрсатиш кутубхона ходимининг иш шиоридир. Бир сўз билан айтганда Матлубахон касбидан камол топди.

3 нафар фарзанднинг меҳрибон онаси, 5 нафар набиранинг бувижониси.

Ахборот кутубхона марказининг жонкуяр ходими азиз, меҳрибон, фидойи, камтарин инсон бугун 53 ёшни қаршилади. Шукрона куни билан жамоамиз номидан қутлаймиз ва узоқ умр, соғлиқ-саломатлик тилаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://lex.uz/docs/6216084>
2. <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/abdujalol-taypatov/abdujalol-ta-patov-kitobmo-jiza-ocherk/>